



The spread of plague in Turkestan at the end of the 19th century and its consequences

Mukhammadjon ALIKHOJIYEV¹

Andijan State University named after Z.M. Babur

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2024

Received in revised form

15 November 2024

Accepted 25 November 2024

Available online

25 December 2024

Keywords:

Turkestan region,
Anzob village,
plague,
cholera,
malaria,
sanitation,
epidemic,
infection,
medicine,
sanitary condition,
epidemic consequences.

ABSTRACT

This article analyzes the spread of the plague in the Turkestan region at the end of the 19th century, as well as its socio-economic and demographic consequences. The article provides information about the causes of the plague, its impact on the life of society, the measures taken to combat the disease and the difficult situation of the population. In addition, the participation of the government and local elites of the time in the fight against the disease is considered, and the problems that arose in this process are also highlighted.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss12/S-pp1-5>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

XIX аср охирида Туркистонда ўлатнинг тарқалиши ва унинг оқибатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Туркистон ўлкаси,
Анзоб қишлоғи,
ўлат касаллиги,
вабо,
безгак,
санитария,
эпидемия,
инфекция,
тиббиёт,
санитария ҳолати,
эпидемия оқибатлари.

Мазкур мақолада XIX аср охирида Туркистон ўлкасида ўлат касаллигининг тарқалиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик оқибатлари таҳлил қилинган. Унда ўлатнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг жамият ҳаётига кўрсатган таъсири, касалликка қарши кўрилган чора-тадбирлар ва аҳолининг оғир аҳволи ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада ўша даврдаги ҳукумат ва маҳаллий элиталарнинг касалликка қарши курашдаги иштироки ҳамда бу жараёнда юзага келган муаммолар ҳам ёритилган.

¹ Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, Andijan State University named after Z.M. Babur

Распространение чумы в Туркестане в конце XIX века и её последствия

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Туркестанский край,
кишлак Анзоб,
чума,
холера,
малярия,
санитария,
эпидемия,
инфекция,
медицина,
санитарное состояние,
последствия эпидемии.

В данной статье анализируется распространение чумы в Туркестанском крае в конце XIX века, а также её социально-экономические и демографические последствия. В статье представлены сведения о причинах возникновения чумы, её влиянии на жизнь общества, принятых мерах по борьбе с болезнью и тяжёлом положении населения. Кроме того, рассматривается участие правительства и местных элит того времени в борьбе с заболеванием, а также освещаются проблемы, возникшие в этом процессе.

КИРИШ

Дунёда COVID-19 пандемиясининг содир бўлиши тарихчилар ўртасида эпидемиялар билан боғлиқ мавзуларни илмий жиҳатдан таҳлил этиб, уларнинг келиб чиқиш тарихини батафсил ўрганишга ундамоқда.

Ҳозирги давр тарихшунослигида энг кўп муҳокама қилинаётган эпидемиялар-чечак, тиф, вабо, ўлат, безгак бўлиб, бу касалликлар натижасида жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ саволлар юзасидан кескин баҳслар бўлмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва халқаро илмий марказлари томонидан тиббиётнинг ижтимоий тарихини ўрганиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда ҳам тиббиётнинг ижтимоий тарихини илмий ва объектив тадқиқ этиш жамият олдида турган муҳим вазифалар сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва давлат дастурлари асосан санитария-эпидемиология соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Санитария-эпидемиология муассасаларини модернизация қилиш учун давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратилиши санитария-эпидемиология марказларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, замонавий лабораториялар ташкил этилиш, уларда эпидемиологик таҳлиллар ва диагностика ишларини тезкор ва аниқ бажариш имконини берди. Болалар ва катталарни инфекцион касалликларга қарши эмлаш дастурлари кенгайтирилди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барча учун сифатли ва малакали тиббиёт тизимини яратиш – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналиши”дир [1.Б.211].

УСУЛЛАР

Муаммони ўрганишда тарихийлик тамойилига таянган ҳолда қиёсий, муаммоли, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Туркистонда тиббиёт масаласи Россия империясининг Туркистон ўлкасида хизмат қилган маъмурлари ва ўлкашунослари ҳамда кўплаб тарихчи олимларни диққат марказида бўлган. Туркистонда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасида содир бўлаётган жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва кузатувчиси сифатида иштирок этган олим, шифокор ва жамоат арбоблари В.И.Кушелевский,

К.М.Афрамович, П.Ф.Боровский, А.Л.Шварц, А.В.Пославская, Е.Н.Мандельштам, И.Яворскийлар тадқиқотларининг асосий мақсади ўлкадаги тиббий аҳволни ўрганиш, ислохотлар ўтказиш орқали тартибга солишга қаратилган эди [2]. Шу сабабли уларнинг тадқиқотларни кўпроқ аниқ натижалар олишга қаратилган амалий характердаги изланишлар сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Совет ҳокимияти йилларида ҳам тиббиёт тарихи бўйича кўплаб тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар [3].

МУҲОКАМА

Маълумки, хавфли юқумли касалликлар сирасига ўлат (чума) ҳам киради. Ўлат - бактериал касаллик бўлиб, Европада ўрта асрларда миллионлаб одамлар ўлимига сабаб бўлган. Кўп тарихий манбаларда касаллик «Қора ўлат» деб номланади. Савдо ва карвон йўллари орқали касаллик қишлоқ ва шаҳарларга тезлик билан тарқалган. Хусусан, Хитой ва Ҳиндистон йўналишларидан келган карвонлар ўлат олиб келувчи омиллардан бири бўлган. Ўлат 1892 йилга келиб Хитойда ҳам пайдо бўлади ва бутун дунёдаги порт шаҳарларга тарқала бошлайди. 1896 йил августидан бошлаб эса ўлат Гонконг, Бомбей ва Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам авж олади.

1896 йилнинг июнида Бухоро рус-тузем шифохонасига даволаниши мураккаб кечган яралар билан бир неча бемор ётқизилади. Шифокорлар И.Ф. Пензяков ва А.Н. Предтеченская беморлар қонини микроскопик таҳлил қилиш натижасида аввал номаълум бўлган паразитни аниқлашади ва яраларнинг безгак (малярия) хусусиятига эга эканлигини тахмин қилишади. Бироқ, шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатларига қарамай, беморлар 30-40 кун ичида вафот этади. Шу муносабат билан Тошкентдан В.И. Игнатъевнинг илтимосига биноан Бухорога ҳарбий госпитал ординатори Я.М. Финкельштейн юборилади. У ўрганган яраларнинг чума келиб чиқишига эга эканлигини тахмин қилди [4].

1897 йил январь ойида Бухорога Самарқанддан врач И.Ф. Копытовский юборилди. У аниқланган касалликларни эпидемик характерга эга эканини аниқлайди. Тез орада Нурота беклигининг аҳолиси орасида ҳам шундай яралар пайдо бўлгани боис Каттақўрғон уезди врачлари Ю.Н. Доровлев ушбу манзилга келади. Ю.Н. Доровлевнинг берган хабарига таянган ҳолда 1897 йил 4 июлда полковник А.С. Галкин бу касалликларнинг ўлат билан ўхшашлиги йўқлигини таъкидлайди. Бу касалликларнинг ўлат билан боғлиқлигига гумон қилишга Ҳиндистондаги эпидемия ва унинг қўшни давлатларга тарқалиш хавфи сабаб бўлган эди [4.86].

1898 йилнинг куз ойларига келиб эса Самарқанд уезди Искандар волостидаги Анзоб қишлоғида ўлат (чума) касаллиги тарқалади. Анзоб қишлоғидан 387 нафар киши касалликка чалиниб, шулардан 237 киши вафот этгади [5]. 1898 йилда Самарқанд уездида бир неча қишлоқ фельдшерлик пунктлари очилди [6.163]. Бироқ бу ерларда амбулатория ёрдами тиббий фаолиятнинг энг ибтидоий ва мукамал бўлмаган кўриниши эди [7]. Анзобда ўлат эпидемияси 26 ноябрь куни тўхтатилди. Барча касалланганлар орасидан врачлар фақат 13 кишини ҳаётга қайтаришга муваффақ бўлишди, бу эса ўлатнинг кўрқинчли хавфлилигидан далолат беради [4.89].

1898 йил 3 октябрь куни касалликнинг хусусиятини аниқлаш мақсадида қишлоққа Самарқанд уезд врачлари К.М. Афрамович ва Панджакент пристави Ю.А.

Бржезицкий етиб келадилар. Қишлоқ аҳолисини ва қабристондаги янги қабрларни кўздан кечирганларидан сўнг, уларнинг ўлимига сабаб ўлат эканлигини аниқладилар. Бу ҳақдаги К.М. Абрамовичнинг маълумоти 14-15 октябрь кунлари санитария-ижроия комиссиясининг йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилишда вилоят врачлари В.У. Кушелевский, Самарқанд шаҳар врачлари Н.Н. Сапожников, ҳарбий госпиталнинг бош врачлари В.И. Крылов иштирок этди. Комиссия қарорига кўра, врачлик кузатув пунктлари Панджакентда, Моғриб ва Мазрич қишлоқларида ташкил этилди [4.88].

1899 йилда Самарқанд вилоятида ўлат касаллигининг тарқалиши сабабли Петербургдан Самарқандга медицина доктори Ягодинский таклиф қилинган эди. У самарқандлик мударрис ва талабаларга юқумли касалликлар, хусусан ўлат ҳақида маърузалар ўқийди.

Туркистонда ўлат эпидемиясини тарқалиши ўлка демографиясига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Баъзи ҳудудларда аҳоли сонининг кескин камайиши кузатилди. Шу билан бирга, кўплаб қишлоқлар бўшаб қолган. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сезиларли даражада пасайиб, аҳолининг молиявий аҳволи оғирлашади. Одамлар ўртасида кўрқув ва ишончсизлик кучайиб, оила ва жамоалар тарқоқ ҳолга келди, оммавий маданий тадбирлар кескин тўхтатилади. Тиббий ёрдам ва мутахассис кадрлар танқислиги, эпидемияга қарши профилактик чора-тадбирлар тўғрисида маълумотларнинг етарли даражада тарқатилмаганлиги ўлатнинг олдини олиш ва чеклаш жараёнини мураккаблаштирган. Айрим аҳоли қатламлари тиббий ёрдамга тўлиқ ишонч билдирмаган ва касалликни диний ёки қадимий анъаналар орқали даволашга ҳаракат қилган. Бу эса эпидемиянинг янада кучайишига олиб келган.

Россия империяси ҳукуматининг асосий мақсади эпидемияни чеклаш ва ижтимоий тартибни сақлаш бўлган. Шу мақсадда санитария қоидалари кучайтирилди, махсус қўмиталар ташкил этилди. Маҳаллий элита эса кўпинча эпидемияга қарши курашда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлган, аммо ресурслар етишмаслиги бу жараёни мураккаблаштирган.

Хулоса. XIX аср охирида Туркистонда ўлатнинг тарқалиши минтақа учун жиддий синов бўлди. Эпидемия нафақат инсонларнинг ҳаётига, балки жамиятнинг турли жабҳаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ҳукуматнинг эпидемияга қарши кураш чоралари кўплаб камчиликларга қарамай, минтақадаги санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш бўйича дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б. 211.
2. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I-III. – Новый Маргелан: Издание Ферганского областного статистического комитета, 1890-1891; Яворский И. Опыт медицинской географии и статистика Туркестана. Часть I-II. – СПб, 1889.
3. Покровский А.В. Из истории оспы и оспопрививания в Туркестане. К вопросу о борьбе с оспой в Туркестане // Медицинская мысль. – 1924. – № 1-8; Дмитриев С.И. Значение оспопрививания // Медицинская мысль. – 1926. – № 1; Сейфулмулюков И.К. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская

мысль. – 1928. – № 9-10; Магзумов Б.Х. Материалы к истории холерных эпидемий в Туркестанском крае в 1872-1921 гг. // Медицинский журнал Узбекистана. – 1967. – № 11; Шакиров А.Ш., Лузина Е.В. К истории лечения переломов и вывихов по данным восточной медицины. – Ташкент: Медицина, 1989.

4. Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана, Бухары и Хорезма (1865-1924 гг.). - Тараз, 2015.

5. Финкельштейн Я.М. Чума в Анзобе // Туркестанские ведомости. – 1898. – № 97, 98.

6. Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд: 1902. – С. 163.

7. Успехи русской медицины среди туземцев // Туркестанский курьер. – 1909. – № 172, 173.